

# Хабар

38  
(939)-son

17-sentabr

www.xabar.uz  
info@xabar.uz  
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Самаркандда рақамли телевидение

Шу йилнинг 14-15 сентябр кунлари Самарканд шаҳрида ўтказилган "Рақамли телерадиоэшиттиришларни жорий қилиш ечим ва муаммолари" мавзuidaги халқаро анжуман доирасида Самаркандда рақамли телевидение йўлга қўйилганлиги расман маълум қилинди.

3-бет



### Веб-мактаб

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан вазирликнинг ягона ахборот тизимини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда республикамиз мактабларидан реал вақт тартибда маълумот олиш учун «Веб-мактаб» тизими (<http://eduportal.uz/webmaktab>) ташкил этилган.

Тизим яратилишидан қўзланган асосий мақсад халқ таълими муассасаларига умумтаълим мактабларининг жорий ҳолати бўйича доғзарб ва ишончли маълумот беришдан иборат.

Тизим веб-технологиялар асосида яратилган. Бу эса, ўз навбатида, дастурни ишлаб чиқиш учун сарфланган вақт ва маблағларни сезиларли даражада тежайди. Дастур интернет тармоғи орқали бутун республика бўйича маълумотлар базасини реал вақт (онлайн) тартибда тўлдириш ва фойдаланиш имкониятини беради.

Маълумотлар мактабларнинг масъул ходимлари томонидан вилоят ва туман халқ таълими муассасаларининг бевосита назорати остида киритилди ва ҳар чоракда камида бир марта янгиланади.

Ҳозирги пайтда мактаблар бўйича умумий маълумотлар билан интернет тармоғининг барча фойдаланувчилари очiq танишиши мумкин.

### Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

Токио ахборот технологиялари университети олимлари тез сканерлаш тизими устида иш олиб боришяпти. Бу тизим бир дақиқада ўрғача катталиқдаги китобни сканерлашни уддалайди.

Ишланмада уч ўлчамли тасвирни тезкор камраб олиш тамойили қўлланилгани учун сканер қилинаётган саҳифани қайта тўғрилаб чиқишга ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, қоғоз варақлардаги нотекисликлар ўз-ўзидан тўғриланади, камера бир сонияда 500тагача сурат олади, бу 60 сонияда тахминан 170та саҳифани ташкил этади.

Лойиҳа икки йилда тўлиқ ишга тушиши кутиляпти.

### Ушбу сонда:

- Қаршида "ICTExpo-2010" кўргазмаси ўтказилади 2
- 35 долларлик мактаб компютери 4
- Поставить сервер в Датацентр за 39 000 сум! 6
- Австралияча усул ёки телефонни база станциясисиз ишлатиш мумкинми? 11
- «МТС-Ўзбекистон»да 8 миллион абонент 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet  
Internet Service Provider

сифат рамзидир



## Jumadan Jumagacha

Жорий йил 9 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини Ўзбекистонда амалга оширишнинг бориши ҳақида парламент эшитуви бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ислохотларни ҳамда демократик ўзгаришларни янада такомиллаштиришнинг самарали йўлларини аниқлаш мақсадида ташкил этилди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Вьетнам Социалистик Республикаси Коммунистик партияси Марказий кўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Ле Хонг Ан раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги ҳамкорлик кўлаб йўналишлар қатори хавфсизлик соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Жиззах вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси билан халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг кўша мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиса ёш оилаларга уй-жой қуриш ва сотиб олишда ёрдам беришга доир қонун ҳужжатларининг маъмуриятда ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Самарқанд шаҳрида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали ва музейнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Музейда Мирзо Улуғбек даврига хос юздан зиёд ашёлар жой олган.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилиб келинаётган “Келажак овози-2010” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар бошқачи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

“Мудис” халқаро рейтинг агентлиги “Ўзбекистон. Банк тизимининг ривожланиш истиқболлари” шарҳини эълон қилди ва Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истиқболларини “барқарор” деб баҳолади.

Тошкентдаги “Ўзбекистон” спорт-соғломлаштириш мажмуасида республика хотин-қизлар спорт фестивали ва гимнастрадасининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етишини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Берлиндаги Гумболдт университетида “Ўзбекистон: Мустақилликнинг 19 йили” мавзуга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбир сўйида Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида эришган муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш қилинди ҳамда “Мустақил Ўзбекистон ёшлари” мавзуда фотосуратлар кўргазмаси ўтказилди.



22-23 сентябр кунлари Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида бир вақтнинг ўзида Тошкент, Наманган ва Қарши шаҳарларида “ICTExpo-2010” ахборот технологиялари анъанавий кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмада веб-трансляция ташкил этилиб, ташриф буюрувчиларга барча кўргазмаларнинг экспонатлари билан танишиш имконияти яратилади.

## ҚАРШИДА “ICTExpo-2010” кўргазмаси ўтказилади



Кўргазма вилоят “Ёшлар” марказида бўлиб ўтади.

“ICTExpo” кўргазмасининг бир вақтда бир неча шаҳарларда ўтказилиши яхши анъанага айланди.

Қашқадарё вилояти ахборот-коммуникация технологиялари тез суръатларда ривожланиб бораётган минтақалардан. Кўргазмада маҳаллий корхона ва ташкилотлар вакилларининг иштироки салмоқли бўлиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, кўргазмада иштирок этиш мақсадида ариза берган вилоятдаги “Алоқа-банк”, РТУМ, “RWC” ҚК, “ЎзМобайл”, “Матбуот тарқатувчи”, Компютерлаштириш маркази, Ахборот-кутубхона маркази, “Алском”, “ЎзНЕТ”, “Қашқадарё Телеком”, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали, ТАТУ Қарши филиали, “ЎЗИ-Қарши” филиали, “East-Telecom”, EVO ҳамда “Билайн”, “МТС”, “Ucell” савдо белгилари остида хизмат қилувчи мобил алоқаси корхоналари катта тайёргарлик кўришмоқда.

Ҳозирда вилоят ҳудудидаги телекоммуникация воситаларининг аксарияти, жумладан, “Қашқадарё Телеком”, “ЎЗИ-Қарши” филиаллари, 8-ШМАТБ, “UzNet” вилоят боғламалари ҳамда уяли алоқа компаниялари, маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатувчи провайдерлар ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар рақамли узатиш тизимларига эга. “ICTExpo-2010” кўргазмаси юқорида тилга олинган ташкилотларни оммага таништириш ва

уларнинг хизматларини тақлиф этиш билан бирга, почта, матбуот хизматларини етакчи мамлакатлар даражасига етказишда олиб борилаётган ишларни намойиш этиш учун энг қулай восита ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, ташкилотлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, хизмат кўрсатиш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Кўргазмада асосан рақамли телевидение маҳсулотлари, мобил алоқа тизимларида юқори тезликда маълумотлар узатиш технологиялари, симли алоқа воситаларидаги замонавий рақамли узатиш тизимлари, юқори тезликда ахборот олиш имкониятлари, ахборот хавфсизлиги, интернет хизматларини кўрсатиш даражаси, сугурта, АКТни қўллаш орқали почта ва матбуот хизматлари кўрсатилиши, вилоятда АКТ соҳасида малакали кадрлар етиштириш ҳамда ахборот ресурслари ва электрон кутубхона янгиликлари, банк соҳасидаги сўнгги ютуқлар ва бошқа турдаги янгиликлар намойиш этилади. Вилоятда фаолият кўрсатаётган алоқа хизматини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ўзларининг маърузалари билан иштирок этадилар.

Вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган кўргазма чора-тадбирлар режасига кўра, тадбирни юқори савияда ўтказиш мақсадида узлуксиз электр энергия таъминоти, локал тармоқ фаолият-

тини мувофиқлаштириш, сифатли алоқа ва транспорт хизмати, Тошкент ва Наманган шаҳарлари ўртасида онлайн видео-кўприк ўрнатиш, китоб, газета ва журналлар сотуви ташкил этилади.

Кўргазма доирасида бир қатор семинар ва анжуманлар, тақдиротлар ўтказилиши режалаштирилган. Семинарларда ҳозирги кунда долзарб бўлган: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг соҳада татбиқ этилиши, телекоммуникация ва маълумотлар узатиш бўйича лойиҳалаш, қуриш, хизмат кўрсатишнинг тартибга солишни таъминлаш, уларга фаолияти учун лицензия бериш тартибларини тушунтириш, 3G технологияси асосида қишлоқ ҳудудларида маълумотлар узатишнинг симсиз кенг полсалари тармоғини кенгайтириш, республикамизда етакчи давлатлар қатори 4G технологиясининг жорий этилиши, соҳада кадрлар тайёрлаш масалалари, ахборот-ресурс марказлари фаолияти ва уларни такомиллаштириш, электрон дарслиқлар, рақамли телевидениега ўтиш ва унинг самардорлиги, дастурлаш технологиялари ва ахборот хавфсизлиги каби масалалар юзасидан ўзаро фикрлар алмашилди.

“ICTExpo” кўргазмаларида аҳоли вакиллари учун ҳам тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Жумладан, ёшлар ўртасида компютер саводхонлигини синаб кўриш мақсадида компютер йиғиш, клавиатура улоқтириш, интернет тармоғида маълумотни қим тез аниқлаш каби кўнгилочар ўйинлар ўтказишни режалаштирилган. Бундан ташқари, кўргазмада иштирок этувчи соҳа ташкилотлари томонидан турли акциялар, ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича семинар ва тадбирлар ўтказилади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
“Хабар”нинг Қашқадарё  
вилоятидаги мухбири



# Самарқандда рақамли телевидение

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Анжуманни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Эшонхўжаев кириш сўзи билан очди. Жумладан, у, аввало, Самарқанд шаҳрини реконструкциялаш ва қайта қуришдаги ўзгаришлар, катта ва кенг кўчалар, янгидан-янги биноларнинг қисқа вақт ичида ишга туширилиши кувончли эканлигини, рақамли телевидениенинг бугунги кундаги долзарблиги, мазкур шаҳарда ишга туширилган бу қурилма бутун Самарқанд вилояти ва қўшни Навоий вилоятининг ҳам бир қисmini ўз қамровга олишини таъкидлади. Ҳозирги кунда Самарқандда 12та рақамли телевизион каналлар ишга туширилгани ва яқин икки йил ичида қўшимча яна 12та телеканал қўшилиб, жами 24та канал аҳолига намойиш этилиши, бу ишларни амалга ошириш учун жуда катта куч сарфланаётганини тўғрисида тўхтади. Шундан сўнг Самарқанд вило-



Анжуман иштирокчилари

ти ҳокимининг биринчи ўринбосари Олимжон Алихўжаев сўз олиб, рақамли телевидениенинг ишга тушиши “Самарқанд шаҳри куни” тўйига муносиб тухфа бўлганини айтиб, соҳа ходимларига самарқандликлар номидан миннатдорчилик билдирди.

Анжуманда “Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение ривожининг стратегияси” мавзусида

ЎзААА РРТ бўлими бошлиғи Ю.Камолов, “Рақамли технологияларга ўтиш” мавзусида Япониянинг NEC компанияси катта менежери Сусуми Танака, ТАТУ кафедра мудири Т.Раҳимов, “ЭМММ” ДУК етакчи муҳандиси Е.Холбоев ва бошқалар сўзга чиқди.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
**“Хабар”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири**

## Таълим ва замонавий ахборот

### технологиялари

Пойтахтимизда таълим масканларида “ZiyoNET” тармоғидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу семинарда пойтахтимиз мактабларидаги ахборот-ресурс марказлари мутахассислари, информатика фани ўқитувчилари, услубчилар иштирок этди.

Семинарда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида таълим сифати ва мазмунини янада юксалтириш, соҳага илгор ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни жорий этиш, мактабларидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

“ZiyoNET” жамоат таълим ахборот тармоғи бугун юртимиз ўқувчи-ёшларининг турли фанлар бўйича билимини янада ошириш, бойитиш ва мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу тармоқ таълим соҳасида кечаётган ислохотлардан кенг жамоатчиликни бохабар этиш, билим масканлари, педагогик жамоалар ва ўқувчи-ёшлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилаётгир.

— Мактабимизда минг нафарга яқин ўғил-қиз билим олади, — дейди Юнусобод туманидаги 273-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Марҳабо Назарова. — Ахборот-ресурс марказимиз “ZiyoNET” тармоғига уланган. Бу эса фанлар бўйича дарсларни янада мазмунли ва қизиқарли ўтиш, илмий қўлланмалар, маърузалар матни, дарс ишланмалари ва бошқа педагогик ишлар билан атрофича танишиш, улардан фойдаланишда қўл келмоқда.

Семинарда “ZiyoNET” жамоат таълим ахборот тармоғидан самарали фойдаланишга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

ЎЗА

## «Таракқиёт сари»

### радиовикторинаси

Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи Зиёда Набиева «Ўзбекистон Таронаси» радиостанциясида (101 FM) «Таракқиёт сари» радиолойиҳаси доирасида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида ўтказилаётган интерфаол радиовикторина ғолиби бўлди.

“Мен ғалаба қозонишимга шубҳа қилмаганим. Чунки, АКТ соҳасидаги қизиқарли мавзулар ёритиладиган ҳар бир эшиттиришни диққат билан тинглаб келаётган эдим. Одатда очиб берилаётган мавзуларнинг барча тафсилотларини эслаб қоламан ёки ёзиб оламан ва шу тариқа АКТ соҳасидаги ўз билимларимни бойитишга интиламан, — деди радиовикторина ғолиби Зиёда Набиева. — Мирзо Улугбек тумани sanoat касб-ҳунар коллежининг тикувчилик факултетини битирган бўлсам ҳам, компьютер технологияларига

ниҳоятда қизиқаман. Келаси йили ахборот технологиялари соҳасида ўз кучимни синаб кўриб, Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга киришни ҳамда шу соҳанинг дипломли мутахассиси бўлишни ният қилганман”.

БМТ Таракқиёт Дастурининг “Ўзбекистон ҳукумати га мамлакат ривожланиши учун АКТ сиёсатини шакллантириш ва жорий этишда кўмак” лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги радиолойиҳа ташкилотчиларидир.

Ҳар бир радиозиттириш уч қисмдан иборат бўлиб, улар Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатлардаги ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид янгиликларни, мавзули рукни, шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси учун ахборот технологиялари соҳасидаги билимлар бўйича интерфаол викторинани ўз ичига олади.

ictr.uz

“Хабар” газетаси веб-сайтнинг янги талқини ишга туширилди.

Веб-технологиялар жадал суръатларда ривожланаётган бугунги кунда янгиликка қўл урмасдан маълум бир даражани ушлаб туришнинг сира имкони йўқ. Газетамизнинг биринчи веб-саҳифаси 2006 йили бутунжаҳон тармоғи юзини кўрган эди. Оралдан икки йил ўтиб, сайт қиёфаси буткул ўзгаририлди. Мана, яна шунча вақт ўтиб сайтимиз учинчи бор янгича шакл ва мазмунга юз тутди.

Хабар.uz сайтнинг асосий мақсади интернет фойдаланувчиларини мамлакатимиз алоқа ва ахборотлаштириш тизимида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тезкорликда хабардор қилишдан иборат. Шу сабабли ҳам сайтнинг янги талқинида “Янгиликлар” бўлимига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу бўлимда “Бошқарув”, “Ахборот технологиялари”, “Телекоммуникация”, “Почта”, “Мобил алоқа”, “Интернет”, “Хавфсизлик”, “Софт” рукнлари остида хабарлар тезкорликда тармоқ фойдаланувчилари ҳукмига ҳавола этилади.

“Таҳлил” бўлимида эса “АКТ ва таълим”, “Хориж тажрибаси”, “АКТ ва саломатлик”, “Давлат

## Хабар.uz янги талқинида!



алоқа инспекциясида” рукнлари орқали таҳлилий материаллар бериб борилади. Интернетнинг ўзбекча контенти айнан шундай таҳлиллр, керакли маълумотларга унчалик бой эмас. Бу йўналишдаги мақолалар ўша бўшлиқни тўлдиршида имкон қадар хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Янги талқиннинг дизайни, фойдаланишга қулайлиги ошганидан ташқари, унга қатор қўшимча йўналишлар ҳам киритилди. Жумладан, “Кутубхона”

бўлимидан соҳага оид нашрлар, АКТ луғатларининг электрон шакллари кўчириб олиш мумкин бўлади. Шунингдек, ҳисоботлар ҳам ушбу электрон кутубхона фондидан ўрин олган. Бу бўлим келгусида янги нашрлар билан бойитилиб борилади.

Сайтда янгиликларга RSS-обуна бўлиш тизими жуда қулай шаклда йўлга қўйилган.

Таҳририят ҳақидаги маълумотлар, ижодий ходимларнинг электрон манзиллари, “қайта алоқа” тизими ўқувчиларга таҳририят билан бир зумда боғланиш имконини беради.

“Ҳамкорлар” бўлими орқали алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг веб-сайтлари ҳақида маълумот берилади. Шу ўринда соҳанинг барча корхоналарини ҳамкорликка чақирамиз, сизда сайтимиз орқали тезкор хабарларингизни кенг омма эътиборига ҳавола қилишингиз, реклама баннерларини сайтимизга жойлаштиришингиз мумкин.

Хуллас, алоқа ва ахборотлаштириш йўналишидаги шиддатли ўсиш жараёни шу соҳа оммавий ахборот воситаси — “Хабар” нашрининг ҳам замон билан ҳамнафас юришига ундамоқда. Сайтимиз келгусида янада такомиллаштирилиб борилади.

Таҳририят



## Xalqaro hayot

### ЖИНОЯТЧИ ҲАРБИЙЛАР

The Migot нашрининг ёзишича, британиялик ҳарбийлар Афғонистонда героин контрабандаси билан шуғулланганликда гумон қилинмоқда. Шу боис, Британия ҳарбий полицияси Афғонистондаги "Камп Бастион" ҳарбий базаси қисмларида ҳамда Қандаҳор аэропортида хизмат қилаётган аскарлар ўртасида тергов ўтказди.

Айрим маълумотларга қараганда, аскарлар героинни ташишда ҳарбий самолётлардан фойдаланишган. Шунингдек, канадалик ҳарбий хизматчилар ҳам мазкур жиноятта қўл ургани гумон остига олинмоқда.

### ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ИШДАН БЎШАТИЛАДИ

Куба ҳукумати камида ярим миллион давлат хизматчиларини ишдан бўшатишни ҳамда иқтисодийнинг хусусий секторидagi иш ўринлари сонини оширишни режалаштирди.

Қисқартирилган ҳозирдан бошланган ва 2011 йилнинг биринчи ярмигача давом этади. Ушбу тадбир давлат сектори ишининг самаралорлигини оширишга йўналтирилган.

Бу Кубада 1968 йилда амалга оширилган кичик корхоналарни давлат тасаруфига ўтказишдан кейинги хусусий секторнинг йирик кенгайишидир.

### Исроил-Фаластин: МУЗОКАРАЛАР НАФ БЕРАРМИКИН?

Мисрнинг Шарм ал-Шайх шаҳрида Исроил ҳукумати ҳамда Фаластин миллий маъмурияти (ФММ) ўртасида тўғридан-тўғри музокараларнинг иккинчи босқичи ўтказилди. Унда Исроил бош вазири Биньямин Нетаняху ва ФММ етакчиси Маҳмуд Аббос иштирок этди. Улар ўртасидаги қарама-қарши фикрларни АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон тартибга солиб турди.

Фаластин-Исроил музокараларининг биринчи босқичи икки йил аввал Вашингтонда бўлиб ўтган эди. Ушанда икки томон ҳам ўз қарашлари бўйича жўяли натижага эриша олмаганди.

### ХИТОЙГА ҲАМ БОЛАЛАР КЕРАК!

Хитой ҳукумати туғилиш сонини чеклашдан воз кечмоқчи.

Келаси йилдан Хитойда "Бир оилага бир бола" қонуни аста-секин ўтмишда қоладиган бўлди — орадан 31 йил ўтиб, мамлакат ўз сиёсатида туғилишни чеклаш масаласини кўриб чиқишга тайёр. Бу ҳақда ХХР демография масалаларига жавоб берувчи Режалаштириш комиссияси хабар берган. Комиссия бу борала якуний ҳулоса ҳали қабул қилинмаганини ҳам таъкидлаган.

Эслатиб ўтамиз, Хитойда туғилишни чеклаш ҳақидаги қонун аҳолининг табиий ўсишини камайтириш ва болалар сонини чегаралаш, шу орқали турмуш даражасини кўтариш мақсадида қабул қилинган эди.

### БОШ ВАЗИРГА МУКОФОТ

Буюк Британия собиқ бош вазири Тони Блэр Американинг энг олий мукофоти — АҚШ Конгресси Озоллиги медали билан тақдирланди. Мазкур медал унга инсон ҳуқуқларини сақлаш ва халқаро можароларни тартибга солишдаги фаоллиги учун берилди. Медални унга Филаделфияда АҚШ собиқ президенти Билл Клинтон топширди.

АҚШ Конгресси Озоллиги медали 1989 йилдан буён ҳар йили топширилади. Ушбу мукофотни қўлга киритганлар орасида Чехия собиқ президенти Вацлав Гавел, Афғонистон президенти Ҳамид Карзай, БМТнинг аввалиги бош котиби Кофи Аннан, Польша собиқ президенти Лех Валенса ҳамда АҚШ собиқ президенти Жимм Картер бор.

Интернет материаллари асосида  
У. ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

## BIZNES

### МОБИЛ ҚУРИЛМАЛАРГА ТАЛАБ ОШАДИ

In-Stat компанияси ҳисоб-китобларига кўра, 2014 йилда мобил шахсий компьютерлар, жумладан, ноутбуклар, планшетлар, нетбуклар ва смартбуклар бозорида 400 миллиондан ортиқ қурилма сотилади. Йиллик ўсиш ўртача 19,1 фоизни ташкил этади.

«Бозор ишлаб чиқарувчилари кўпроқ эътиборни интернетга уланиш имконияти мавжуд қурилмаларга — нетбук ва планшетларга қаратишди. Бу ўсишда ноутбуклар катта аҳамият касб этади. Бизнес соҳалари ўрта ва юқори ишлаб чиқарувчан ноутбукларга қизиқиш билдирмоқда, — дея таъкидлаган In-Statнинг етакчи мутахассиси Жим МакГрегор. — Мобил қурилмаларга ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда талаб бирдай юқори бўлади».

### ANDROID VA SYMBIAN ЕТАКЧИ

2014 йил охирига бориб, жаҳон мобил амалиёт тизимлари бозорида икки маҳсулот — Android (Google компанияси) ва Symbian (Nokia компанияси) етакчи бўлиб олади. Gartner таҳлилчилари бу икки компаниянинг биргаликдаги улуши 59,8 фоизга етишини ҳисоблаган.

Nokia телефонлари бозори чаққонлиги боис Symbian пешқадамликни сақлаб қолади, шунга қарамадан, унга Android жиддий рақиб бўлиши мумкин. Чунки аксарият ишлаб чиқарувчилар, масалан, Samsung, Sony Ericsson ва LG янги қурилмалари учун Андроидни танлашмоқда.

### УМИД ОКЛАНАДИМИ?



Samsung Electronics компанияси 2 сентябр куни тақдироти ўтказилган Galaxy Tab планшет компютери келгуси йили жаҳон бозорларини эгаллашига умид қилмоқда. Компания 2011 йил учинчи чораги якунларига кўра, жами 10 миллионга шундай қурилма сотишни режалаштирган.

Бу билан Жанубий Корея компанияси жаҳон планшетлар бозорининг учдан бир қисмини эгаллаши мумкин.

Дастлаб Samsung Galaxy Tab сотуви Лондонда октябр ойида Vodafone оператори орқали йўлга қўйилади.

### Bing Yahoo!НИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ

Bing интернет қидирув тизими ўз тарихида илк бор Yahoo!ни орта қолдирди ва АҚШда иккинчи ўринга кўтарилди. Унинг Америка бозоридаги улуши 13,9 фоизга етган.

Google ҳамон етакчи — бозор улуши 65 фоиз. Бир ойда 1,2 фоизлик йўқотишга учраган Yahoo!нинг "қидирув майдони" 13,1 фоизни ташкил этди.

Демак, ҳулоса чиқариладиган бўлса, бир йил давомида Bingда ўсиш, Yahoo!да пасайиш кузатилган, Googleда жиддий ўзгариш сезилмаган.

## АЛОҚА ОЛАМИДА

## XAVFSIZLIK

### АННА КУРНИКОВАНИНГ «ҚАРИНДОШИ»

Symantec антивирус компанияси W32.Imsolk.B@mm тоифасига қирувчи янги почта вируси пайдо бўлганидан огоҳлантиради. У дунё бўйлаб 100 мингдан зиёд компютерга зарар етказишга улгурган.

Вирус янги бўлса-да, мутахассисларнинг аниқлашича, у 2001 йили пайдо бўлган «Nimda», «Melissa» ва «Anna Kournikova» сингари почта вирусларига «қариндош» бўлиб чиқди.

Электрон почта хабари сифатида келувчи бу вирус фойдаланувчига зарарли код жойлашган сайтга ҳаволалар тақлиф этади. Сайтга кирилса PDF-файл автоматик равишда компютерга кўчирилишни бошлади. Яна бир хавфли жиҳати вируснинг ўз-ўзидан кўпайиш хусусияти бўлиб, шу йўл билан бошқа компютерларга тармоқ орқали ўтади.

## SOFT



### ОДДИЙ ТЕЛЕФОН СЕНСОРЛИГА АЙЛАНАДИ

Британиянинг Input Dynamics компанияси TouchDevice иловасини ишлаб чиқди, у исталган телефонни сенсорли экранлига айлантира олади. Бунда аппаратнинг бутун корпуси бармоқлар ва стилусга сезувчан бўлиб қолади, фақат керакли жойни аниқлаш учун микрофон керак.

Компаниянинг таъкидлашича, бир нечта йирик мобил телефон ишлаб чиқарувчилар келгусида тегишли дастурий маҳсулотни татбиқ этиш борасида ўз розилиklarини берган.

TouchDevice ўрнатилган телефон экранидagi иконкаларни худди сенсорли телефонлардаги каби бармоқ билан босиш мумкин, масалан, экранни «варақлаш» учун телефоннинг ён томонига тегилса кифоя.

## JAMIYAT

### 35 ДОЛЛАРЛИК МАКТАБ КОМПЮТЕРИ

Жорий йил июл ойида ўқувчилар ва талабалар учун тақдим этилган 35 долларлик ҳинд планшет компютерини ишлаб чиқариш вазифасини HCL Technologies компанияси ўз зиммасига олди. Маҳсулотнинг биринчи партияси келгуси йил 10 январидa етказиб берилиши мўлжалланган.

Мазкур арзон қурилма таълим соҳаси учун мўлжалланган бўлиб, Sakshat номи остида чиқарилади. Нарҳидан ҳам кўриниб турибдики, ҳинд компютери функцияларга бой эмас, шундай бўлса-да, асосий фанларни ўзлаштиришга ярайд.

Sakshat Android амалиётлар тизимида ишлайди ва 5, 7 ва 9 дюймди дисплейларда тақдим этилади. Амалиётлар хотираси 2 гигабайт, Wi-Fiни қўлайди, web-камера ва USB-портага эга.



1990 йилда Хоразм вилояти ҳудудида почта, телефон ва телеграф давлат корхоналари сони 193тани, шунингдек, автоматик станциялар сони 150, телефонлар сони эса 61765тани ташкил қиларди. Ўрнатилган техник воситалар аналог тизимида ишлашга мослашган бўлиб, улардан фойдаланиш жараёнида кишлоқ АТСларини туман ва вилоят марказларига боғловчи линияларнинг етишмаслиги, аналог АТСлардаги боғланишлар кийинчиликлар туғдириши сабаб мижозлардан юқори ташкилотларга тез-тез мурожаатлар бўлиб турарди. Бу борадаги ишларни назорат қилиш Ўзбекистон алоқа вазирлиги ҳамда вилоятлар алоқа-техника ишлаб чиқариш бошқармалари томонидан амалга оширилди. 1991 йили Давлат алоқа инспекцияси тузилганидан сўнг назорат ишлари инспекция ҳамда унинг жойлардаги бўлинмаларига юклатилди.

# Кутлуғ йўл



Инспекциянинг Хоразм вилояти бўлинмасида дастлаб Дурдибой Ваисчанов, Ҳайитбой Шарипов, Абдулла Тожиев, Отажон Эримбетов каби ма-лакали ходимлар фаолият кўрсатган. Мен ҳам 1991 йилнинг май ойида бўлинмада катта инспектор вазифасида иш бошла-дим. Шундан буён Давлат алоқа инспек-цияси билан бирга тобланиб, бирга ка-молга етмоқдаман. Яъни, инспекция бо-сиб ўтган йўлдаги турли қийинчилик ва муваффақиятлар гувоҳиман.

Фаолиятимизнинг илк даврида вилоят ҳудудида фойдаланилаётган почта алоқа-си ва телекоммуникациялар тармоқлари-нинг, техник воситалар ҳамда тизимлар параметрларининг, радиоэлектрон воси-талар ва юқори частотали қурилишлар ра-дионурланишлари ва параметрларининг амалдаги меъёрларга мувофиқлиги бўй-ича текширишлар олиб бордик. Вақт ўтиши билан эксплуатация қилувчи алоқа кор-хоналари иш сифати бузилишларида жа-рима миқдорларини тўғри қўллаш тарти-бига риоя қилиниши бўйича маълумотлар ҳаққонийлигининг назорат ишлари олиб бориладиган бўлди. Ҳар бир ўтказилган текшириш натижалари ўша корхонанинг вилоят раҳбарлари билан биргаликда му-ҳокама қилиниб, камчиликлар келиб чи-қиш сабаблари ва уларни тугатиш бора-сида чора-тадбирлар белгилаб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 августдаги "Ўзбекистон телекоммуникация тармо-ғини 2010 йилгача бўлган даврда ре-конструкция қилиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши Хоразм вилояти алоқа соҳа-сида ҳам туб бурилишлар ясади. Чунки хизмат кўрсатаётган электр алоқа кор-хоналари асосий воситаларининг 22 фо-изи фойдаланиш мuddатини ўтаб бўлган, кейинги қурилган телефон станциялари ҳам жаҳон андозаларига тўла жавоб бер-май қолган эди. Ниҳоят, ҳукуматимизнинг Япония ташқи иқтисодий алоқалар бан-ки билан тузган битими асосида вилоят-да сизими 61000 нуқтага эга бўлган 18та рақамли телефон станциялари ва қувва-ти 5460 портга тенг шаҳарлараро теле-фон станциялари 1999 йилнинг февра-лидан мижозларга хизмат кўрсата бош-лади. Қисқа даврда OESF кредитининг биринчи босқичида мўлжалланган вази-фалар яқунланди. Жами 197,5 км. узун-ликда оптик толали алоқа кабелли ётқи-зилди. 1996 йилга келиб, республикада кўнча радиотелефон алоқаси ва радио-қақуриув тармоқлари кенг ривожлана бошлади. Бу ривожланишлар ўз-ўзидан ДАИ фаолиятининг кенгайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Давлат алоқа инспекцияси фаолияти-нинг дастлабки йилларида инспекцияда мутахассисларнинг етишмаслиги туфай-ли вилоятлардаги етакчи мутахассислар Тошкент шаҳрида ўтказиладиган режа-

ли текширишларга жалб қилинар эди. Шундай текширишларнинг бир нечта-сида текширув гуруҳи раҳбари сифатида иштирок этганман. Текширувлар менга ўз тажрибамни янада мустаҳкамлаб оли-шимда катта мактаб бўлди, десам янг-лишмайман.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги 331-қаро-ри бўйича Япония ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан молиялаш-тирилган дастур бўйича вилоятда 130 км. оптик толали алоқа кабелли ётқизилди. Тўртта туманда умумий сизими 6500 нуқтали 9та рақамли АТС ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

Хитой Халқ Республикасининг имти-ёзли кредити бўйича Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг Кўкча, Эллиққалъа, Беруний туманлари ҳудудларида 5та телевизион ва 4та радио-эшиттириш узатгичлари ишга туширил-ди. Бугунги кунда вилоятимиз маҳаллий телефон тармоғидаги АТСлар сони 151та бўлиб, шундан 82таси рақамлидир. Жами АТСларнинг сизими 110494тани, фойда-ланиш сизими эса 101351тани ташкил қилади, шундан рақамли станцияларнинг монтаж сизими 96694, фойдаланиш си-зими эса 89008 рақамдан иборат.

"Ўзбектелеком Мобайл" филиали то-монидан CDMA-450 алоқа тизимининг база станциялари сони 10тага етказилди. Шунингдек, "Ўздунробита", "COSCOM", "Unitel" хорижий корхона-лари ҳамда "Перфектум Мобайл" ком-панияси томонидан вилоятда мобил ало-қани ривожлантириш, тармоқни янги технологиялар асосида қайта қуриш иш-лари қизғин олиб борилмоқда.

Вилоятимиз ҳудудидаги барча янги қурилган объектларда бўлинмамиз хо-димлари иштирок этиб, қурилишнинг сифатли амалга оширилиши борасида назорат ишларини олиб бордилар. Иш

давомида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан тўпланган тегишли хулосалар қурилиш эгаларига топширилиб, бажа-рилишини таъминлаш чораларини кўрмоқдалар.

1994-1995 йилларда вилоят ҳудудида назоратга олинган лицензиатлар сони 29тани ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда алоқа ва ахборотлаштириш соҳа-сида 71та лицензиат фаолият юритмоқ-да. Айни пайтда бўлинмамиз Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабр-даги "Хўжалик юритувчи субъектлар фа-олиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонуни, Адлия ва-зирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган Назо-рат қилувчи органлар томонидан ўтка-зиладиган тadbиркорлик субъектлар — юридик шахслар фаолиятини текшириш-ларни мувофиқлаштириш тартиби тўғри-сида низом ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида текширишларни амалга ошириб келмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, дастлаб иш бош-лаган давримизда бўлинма ихтиёрида автотранспорт воситаси, ёзув машинка-лари, мебел жиҳозлари мавжуд эмас эди. Бугунга келиб, ходимларимиз учун иш шароитлари тубдан яхшиланди, бўлин-ма автотранспорт, компютер, мебел жиҳозлари билан таъминланди.

Соҳанинг барча тармоқларида истеъ-молчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш, алоқа хизмати сифатини ошириш ҳар бир хо-димдан ўз устида мукамал ишлашни талаб этади. Бўлинмамизда фаолият кўрсатаётган Ихтиёр Сайтов, Фарҳод Бўрбожонов, Тозағул Қодирова сингари ходимларимиз ушбу масъулиятни чуқур англаган ҳолда иш олиб боришяпти.

**Мадраҳим РАЖАПОВ,**  
Хоразм вилояти Давлат  
алоқа инспекцияси бошлиғи

## Эътибор

"Фарғона Телеком" филиалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.

Филиал маънави-ят-маърифат кенгаши томонидан тузилган иш режасига кўра "Дин ниқобидаги мафкуравий ҳужу-лар", "Терроризм ва диний экстремизмга қарши курашнинг долзарб масалалари", "Соғлом турмуш тар-зи" мавзуларида мута-хассислар ва олимлар билан учрашувлар ўтказилгани, видео-лавҳалар намойиш этилганлиги ҳам шун-га мисол бўла олади.

Мамлакатимиз кон-ституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги олдида фили-ал бошқарувида, теле-коммуникациялар бог-ламаларида "Фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пой-девор" ҳуқуқий мавзу-да маърифий талбирлар ташкил этилади. Шу-нингдек, 21 октябр — Ўзбекистон Республи-каси "Давлат тили тўғрисида"ги қонун ҳамда 18 ноябр — Ўзе-бекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносаба-ти билан ҳам маънави-ят тарғиботлари ўтка-зиш режалаштириб қўйилган.

Фарғона вилояти ҳокимининг фармойи-шига биноан, ўзбек мум-тоз адабиёти намоянда-лари — Увайсийнинг 230, Муқимийнинг 160, Ҳази-нийнинг 140, Чархий-нинг 110 йиллик юбилей-ларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўй-ича кўплаб хайрли ишлар қилинди. Республика Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўли-ми билан вилоят алоқа-чилари учун шу мавзуда мусикали-бадиний дас-турлар тақдим этишга келишиб олинди.

**Ҳафиза САЛЯХОВА,**  
"Хабар"нинг Фарғона  
вилоятидаги мухбири



# NOKIA SIEMENS NETWORKS

## ПРОДЕМОНСТРИРОВАЛА СВОИ РЕШЕНИЯ ДЛЯ МОБИЛЬНЫХ ОПЕРАТОРОВ

**Nokia Siemens Networks, лидер рынка оборудования для мобильных, фиксированных и конвергентных сетей, провела в Ташкенте масштабную презентацию своих уникальных решений.**



В рамках мероприятия компания продемонстрировала, как стабильная сетевая архитектура и инновационные решения для бизнеса дают телекоммуникационным операторам возможность обеспечивать высокий уровень сервиса для пользователей, успешно достигая при этом своих бизнес-целей, а зачастую и превосходя их.

«LTE – это будущее технологий мобильных сетей. И мы хотим, чтобы гости нашего мероприятия лично убедились в огромном потенциале этой технологии, как в целом, так и на примерах LTE-решений от Nokia Siemens Networks, позволяющих повысить рентабельность телекоммуникационного бизнеса», – отметил Бахтияр Муминов, Генеральный директор Nokia Siemens Networks Tashkent.

Участникам презентации под названием «Технологический тур» телекоммуникационным операторам, партнерам и представителям СМИ Узбеки-

стана были продемонстрированы возможности технологий и решений Nokia Siemens Networks, доступных на рынке.


На экспозиции Single RAN\* LTE для FDD и TD-LTE гости могли убедиться в том, насколько эффективно использование базовой станции Flexi Multiradio BTS при внедрении технологий LTE. Организаторы тура продемонстрировали процесс активации услуг LTE\*\* на базовой станции Flexi BTS и то, как Flexi BTS самостоятельно конфигурируется. Кроме того, участники смогли больше узнать об инновационном решении Voice over LTE (VoLTE). Операторы смогут получить выгоды от быстрого перехода к VoLTE путем переиспользования существующих программных коммутаторов в варианте Fast Track VoLTE или перехода непосредственно к VoLTE на основе IMS. (IP Multimedia Subsystem).

В центре внимания оказалась также технология

HSPA+: эволюционный шаг в направлении более скоростных каналов, обеспечивающих передачу данных со скоростью до 112 Мб/с (Multicarrier HSPA) на коммерческом аппаратурном обеспечении Flexi BTS.

Особый интерес у операторов вызвал пакет SON\*\*\*. Это решение повышает операционную эффективность существующих сетей благодаря автоматической настройке процессов передачи абонентских соединений, балансировке нагрузки мобильного трафика и сведению к минимуму потребности в эксплуатационных испытаниях. Кроме того, с помощью всеобъемлющих функций SON по автоматическому восстановлению работоспособности можно минимизировать вероятность отказов в предоставлении услуг связи.

На повышение рентабельности бизнеса операторов нацелено еще одно решение, представленное на презентации, комплексе продуктов Nokia Siemens Networks для пакетного транспортного решения All-IP Mobile Backhaul для передачи голоса и данных. Особенно интересно оно будет для операторов, уже развернувших или планирующих развертывание сетей 3G, WiMAX и LTE.



## ПОСТАВИТЬ СЕРВЕР в Датацентр за 39 000 сум!

**На сегодняшний день об услуге «Хостинг» уже знают практически все, кто так или иначе связан с информационными технологиями. Но вот об услуге «Co-location» в Узбекистане стало слышно совсем недавно. Именно поэтому необходимо сначала немного пояснить, что это такое и когда стоит сменить обычный виртуальный хостинг на co-location.**

Co-location, или физический хостинг, предполагает установку вашего сервера на технической площадке Датацентра. Под Датацентром подразумевается обособленное технически оборудованное помещение с гарантированными условиями хранения данных (бесперебойное электропитание, температурный режим, охрана, системы пожарной безопасности и так далее). Фактически, речь в данном случае идет о специализированном узле связи, где и работает сервер.

С развитием новых возможностей и появлением новых интернет технологий любому динамично развивающемуся ресурсу недостаточно ограничиваться возможностями, предоставляемыми оборудованием хост-провайдера. С бурным развитием вашего ресурса, вы неизбежно сталкиваетесь с необходимостью все большего и большего объема дискового пространства для размещения данных, работа с которыми к тому же должна отвечать современным представлениям о производительности. В этом случае необходимо задуматься о переходе на co-location.

Отличие co-location от виртуального хостинга заключается в том, что при виртуальном хостинге на сервере хост-провайдера, помимо вашего сайта, находится еще множество сайтов других клиентов. Тогда как co-location предполагает размещение в Датацентре собственного оборудования (сервера) со своим сайтом. Разделение мощностей сервера неизбежно ведет к ухудшению работы вашего интернет-ресурса, что незамедлительно скажется на посещаемости. В случае если ваш ресурс посещаемый, необходимость перенести его на отдельный сервер очевидна.

Главное преимущество co-location, в отличие от традиционного хостинга еще в том, что любые технические аспекты (будь то дополнительное дисковое пространство или что-то другое) можно будет добавлять по мере необходимости и развития вашего ресурса.

Анализируя местный ИТ-рынок, и учитывая растущие потребности пользователей, становится очевидным, что потребность в услуге co-location существует. Удовлетворяя требованиям клиентов, Датацентр UZINFOCOM запустил новые тарифы на услугу co-location. Новые цены на размещение серверов не только снижены, но также расширена линейка самих тарифных планов, предоставляя более широкие возможности для клиентов. Для проектов, нацеленных на сегмент УзНЕТА, добавлен тарифный план с неограниченным трафиком в сети TAS-IX. С уверенностью можно сказать, что это самое выгодное решение, которое предлагается на местном ИТ-рынке – поставить сервер в Датацентр всего за 39 000 сум в месяц. Другие тарифные планы включают лимит международного трафика.

Подробнее ознакомиться с тарифными планами на услугу co-location Датацентра UZINFOCOM можно на сайте [www.datacenter.uz](http://www.datacenter.uz).

Источник: Датацентр UZINFOCOM

## ПРОГРАММА МЕРОПРИЯТИЙ

### недели Infocom 2010

С 20 по 24 сентября 2010 года состоится главное событие года в сфере ИКТ Узбекистана — Неделя информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) **INFOCOM 2010**, в рамках которой пройдут мероприятия, направленные на усовершенствование сферы ИКТ, представляющий интерес, как для специалистов отрасли связи, так и для посетителей широкого круга.

**Среди запланированных мероприятий в рамках Недели INFOCOM 2010:**

#### Акция "Информационные технологии детям!"

Дата проведения: 20 Сентября 2010 г.  
Место проведения: школа № 259

#### Industry Seminar/Nokia Siemens Networks

Дата проведения: 20 сентября 2010г.

#### Церемония награждения победителей интернет-фестиваля национального домена UZ 2010

Дата проведения: 20 сентября. Начало: 18-30

#### Национальный Саммит по Информационно-Коммуникационным Технологиям - ИКТ САММИТ 2010

Дата проведения: 21 сентября, 2010г., 09:30 -18:00

Место проведения: Ташкент, ул. Амира Темура, 107 "Б", Международный Бизнес Центр, зал "Семург", 13-й этаж

#### Ежегодная Национальная Выставка Информационных технологий - ICTExpo 2010

Даты проведения: 22-24 сентября 2010г.  
Место проведения: Ташкент, Выставочно-торговый Центр (бывший Дворец спорта "Юбилейный"), ул. Беруний, 41

22-23 сентября 2010 г. г. Карши

22-23 сентября 2010г. г. Наманган

#### Круглый стол по вопросам развития интернет-провайдера в Узбекистане

Дата проведения: 22 сентября 2010г.,  
Место проведения: Ташкент, Выставочно-торговый Центр (бывший Дворец спорта "Юбилейный"), ул. Беруний, 41

#### Первый Национальный Тренинг Академии АРСИСТ - "Использование ИКТ в государственном управлении"

Дата проведения: 23-24 сентября, 2010г., 09:30 - 18:00

Место проведения: г.Ташкент, пр-т Узбекистанский, 45 (Здание Академии Государственного и Общественного Строительства при Президенте Республики Узбекистан)

#### Акция "Универсиада по компьютерному спорту ICT-STUDENTS"

Дата проведения: 23-24 сентября 2010г.  
Место проведения: Ташкент, Выставочно-торговый Центр (бывший Дворец спорта "Юбилейный"), ул. Беруний, 41

#### Чемпионат Узбекистана по компьютерным играм Uzbekistan Cyber Games UCG 2010

Дата проведения: 24 сентября 2010 г.  
Место проведения: г.Ташкент, Главная сцена Выставочно-торгового Центра (бывший Дворец спорта "Юбилейный"), ул. Беруний, 41



# АВСТРАЛИЯЧА УСУЛ

## ёки телефонни база станциясиз ишлатиш мумкинми?

Мутахассисларнинг сўзларига караганда, мобил алоқа тармоғи билан копланмаган худудларда ҳам кўл телефонидан фойдаланиш истикболлари мавжуд. Дейлик, телефон инфратузилмаси бирон-бир табиий офат: зилзила, сув тошқини, ёнғин ва шунга ўхшаш ходисалар оқибатида жиддий зарар кўриши ёки бутунлай ишдан чиқиши мумкин. Ёки, сир эмас, чекка-чекка кишлоқларда «антенна йўқолиб қолиши» муаммоси хали-хануз ечимини топганича йўқ.

Мобил алоқа хизмати кўрсатишдаги шунга ўхшаш нохуш бўшлиқларни тўлдириш мақсадида австралиялик таниқли муҳандис Пол Гарднер-Стивен ўз лойиҳаси билан чиқди. Serval деб ном берилган бу лойиҳа у ишлаётган Флиндерс университетиде яратилди.

У бошчилигидаги гуруҳ Австралиянинг чекка худудларига бориб синовларни муваффақиятли амалга оширди. Ана шундай таширларнинг бири «Яшил қитъа» жанубида жойлашган хушманзара жой — Arkaoola Wilderness Sanctuary қўриқхонасига бўлди. Лойиҳа қатнашчилари ўта овлоқ бу масканда мобил телефонда сўзлашишда ҳеч қандай муаммога дуч келишмади, ҳатто ҳеч қандай йўлдош аппаратлардан фойдаланишга ҳожат ҳам қолмади.

Serval — мобил алоқа инфратузилмаси ишдан чиққан ёки умуман етиб бормаган худудларда симсиз алоқадан фойдаланишнинг янгича тамойили.

Энг қизиғи, бу тизимни ишлатиш учун унчалик кўп меҳнат талаб қилинмаслигида: оддий мобил телефон керак, тўғри, у Wi-Fi маълумотларни узатиш каналига эга бўлиши лозим.

Бу қурилмалар мобил антенналардан сигнал келмаганда австралияликлар томонидан ишлаб чиқилган дастур ёрдамида ўзаро ихчам тармоқни ҳосил қилади. Унда ҳар бир қатнашчи нафақат абонент, балки бошқа

сухбатдошлар учун ретранслятор-маршрутизатор вазифасини ҳам бажаради.

Жараёнда телефон-қатнашчилар автоматик равишда бир-бирларини танийди ва бу ўзига хос алоқа занжирида қайси бир телефон ўчирилса ёки ишдан чиқса, тармоқда бўш каналларни қоплайди (тармоқ ячейкасимон топологияси тамойили — Mesh networking).

Тўғри, Wi-Fi сигналларининг тарқалиш доираси анча чекланган (бир неча юз метр атрофида), яъники бу алоқани ташкил этишда ҳар бир телефон ораллигидаги масофа чегараси шундан ошмаслиги керак.

Мобил телефонларнинг бир нечаси эса анчагина худудни қамраб олиши мумкин, шу тарзда «катта ер»гача етиб олиш ва албатта, қутқарув хизматлари, тез ёрдам ва ҳоказоларни чақиритиш имконияти туғилади.

Serval лойиҳасининг иккинчи босқичи ҳам бор — улар махсус ишланган мобил телефонлар бўлиб, муаллифлар томонидан «Батфон» (Batphone) деб аталган.

Батфонлар оддий телефонлар сингари ишладан ташқари, фавқулодда вазиятларда — бирон-бир ҳалокат содир бўлганда ёки, дейлик, телефон эгаси кимсасиз жойда йўлдан адашганда лицензияланмаган частоталарга ҳам чиқа олади ва юқорида айтилган телефонлар шакллантирувчи ихчам локал тармоққа боғланиши мумкин.

«Сервал»нинг ҳар иккала қисми ҳамжиҳатликда ишлай олади. Яъни, бир неча батфонлар ва Wi-Fiни қўлловчи австралияликлар дастури ўрнатилган телефонлар бўлса кифоя, бу худуд симли ёки уяли алоқа тармоғи ишдан чиққан тақдирда ҳам алоқасиз қолмайди.

«Тақсимланган рақамлаш архитектураси» (Distributed Numbering Architecture) дастури шарофати билан бу ностандарт телефон тармоғида оддий телефон рақамлари, улар ўз алоқа операторлари доирасидан четда қолиб кетсалар ҳам, ишлай олади.

Serval лойиҳасида Free Telephony ва Village Telco сингари хусусий лойиҳалар мутахассислари ҳам қатнашдилар. Улар очиқ архитектурали арзон телефон алоқаси тизимларини ривожлантириш билан шуғулланидилар. Бу тизимларни фойдаланувчиларнинг ўзлари йиғишлари ва дунёнинг исталган бурчагида ишлатишлари мумкин. «Сервал» гоёси ҳам шунга ўхшаш — кам пул сарфлаб каттароқ натижага эришиш.

Пол ва унинг дўстлари лойиҳани янада ривожлантириш устида ишлашмоқда. Гарднер-Стивен сайёрамизнинг энг чекка-чеккаларида яшовчилар ҳам алоқа хизматидан фойдаланишларини, энг асосийси, ҳалокатлар чоғида Serval минглаб одамлар корига ярашини орзу қилади ва ниятлари амалга ошишига ишонади.



Гарднер-Стивен қўриқхонада мобил телефонда сўзлашапти. Сивов амалиётларида у ҳатто йўлдошли аппаратлар билан алоқа ўзилиб қоладиган горларга ҳам кириб чиқди. Serval эса ишлашда давом этди. Эътиборли жиҳати, бу ердан энг яқин мобил алоқа база станциясигача масофа камда 100 километрни ташкил этарди.



Пол Serval устида иш олиб борапти.




Serval — Африка ёввойи мушуги, жуда яхши эшитиш қобилиятига эга, ўта тезкор ва эпчил овчи. Биологлар бу жониворга «муаммоли вазиятлардан чиқиб кетишининг ҳақиқий устаси» дея баҳо беришган. Тизимга нима учун Serval номи берилганини ҳойнаҳой ўзингиз ҳам тушунгандирсиз.

## Corel: замонавий, сифатли ва ишончли



Канаданинг Corel компаниясига 1985 йили Майкл Коупленд асос солган. Компания номи инглизчадан кенгайтириб таржима қилинганда Коупленднинг тадқиқот лабораторияси (COWpland REsearch Laboratory) деган мазмунни беради. Айни пайтда компания маҳсулотларининг фаол фойдаланувчилари сони жаҳонда ўз миллиондан ошади.

Corel дастлаб ноширлик тизимлари ва шахсий компьютерлар учун график иловалар чиқариш билан шуғулланган. Орадан тўрт йил ўтиб дастурий



маҳсулотлар бозорига машҳур CorelDRAWнинг биринчи шакли пайдо бўлди.

Айниқса, 90-йиллар бошларига келиб вектор графикалар билан ишлаш имконини бергани учун CorelDRAW кенг оммалашиб кетди. Шундан сўнг компания асосий эътиборни мазкур йўналишни ривожлантиришга қаратди. Windows 3.1 чиқиши компания учун имкониятлар эшигини очиб берди:

«Янги ойна»лар True Турсни қўллагани боис CorelDRAW жиддий график муҳаррирга айланди. Шундан бери компания бу дастурни ривожлантириб келмоқда. 1991-2003 йиллар давомида CorelDRAW 2дан CorelDRAW 12гача бўлган шакллар дунё юзини кўрди.

1996-2006 йилларда маҳсулотлар тури кенгайди, WordPerfect®, туркуми қўлга киритилди (Майкрософтнингга ўхшаш офис дастурлари), Knockout®, Painter® ва KPT®, Paint Shop Pro®, WinZip® ва бошқалар яратилди.

Бугунги кунда ҳақли равишда Corelни инновацион ва ишончли, фойдаланиш ва ўзлаштириш осон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиси сифатида эътироф этиш мумкин. Компания замонавий ва мукамал дизайни, новаторлик ёндашуви ва юқори сифат кўрсаткичлари учун юзлаб мукофотларни қўлга киритган. Жаҳонга машҳур CorelDRAW Graphics Suite, Corel Painter, WinDVD, Corel Paint Shop ProPhoto, VideoStudio, Corel Word Perfect Office ва WinZip дастурлари айнан Corelда ишлаб чиқарилган.

Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади



# Ўз-ўзини бошқариш

## ёки Таълимда тарбия масаласи

**Олий таълимда ўқитиладиган ҳар бир фан, фундаментал фанлардан тортиб умумқасбий фанларга қадар, ўзининг ўқув воситалари ва моҳиятига мос равишда тарбиявий вазифани ҳал қилишга қаратилган. Шу жумладан, олий таълимнинг ихтисослик йўналишларидаги ўқув режа ва фан дастурлари ҳам.**

Янги яратилган ўқув дастурлар ва дарсликлари миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда маънавий тарбияси учун кенг имкониятлар очиб бериши зарур. Олий таълимда маънавий дунёқарашни ривожлантиришга хизмат қилувчи фан асосларини ўрганиш муҳим ўринни эгаллайди. Дунёқараш фаоллиги меҳнат, ҳаёт, бажарилаётган фаолиятга муносабатда намоён бўлади. Мустақам илмий қарашлар ва эътиқодларга эга бўлган кишилар уларни ҳаётга табиқ этишга интиляди. Бунда маънавий тарбиянинг асоси ижтимоий-гуманитар доиралаги ўқув фанларига тегишли бўлиб, шахснинг ҳаётий таърибасини умумлаштирилади.

Агар дастурда билимлар тизими аниқ ва мақсадга йўналтирилган тарзда акс этса, маънавий-ахлоқий тушунчалар тизимини билимлар тизими билан уйғунлаштириш лозим. Бунда талабаларнинг ақлий, ҳиссий билиш имкониятларини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиш учун унинг ижтимоий таърибасига таяниш лозим бўлади.

Таълим шахс ҳаётини фаолиятдаги муайян мотивларни ҳамда унинг ҳиссий-иродавий қирраларини уйғунлади. Ҳаётини фаолият эса ўзлаштириш жараёнида ахлоқнинг мотивли ва ҳиссий-иродавий жиҳатларини ўзига сингдиради. Талаба ўқув жараёнида педагогик вазифаларни бажарар экан, ундаги жисмоний фаоллик, шўхлик қилиш ёки бўлмаса бекфарқлик олати барҳам топади ва янги ҳолатни бошдан кечиради. Агар интизомсиз ёки ўзлаштириши суст талаба бўлса, эндиликда бу жараёнда у фаол ва диққати жамланган талабага

айланади. Унинг ўқишга бўлган бундай муносабати ташқаридан, зўрма-зўраки шакллантирилмайди, аксинча, ўқув жараёнида фаоллик кўрсатиши орқали юзага келади.

Талабаларнинг тарбия жараёнини ўрганиш уларга индивидуал ёндашнинг ягона асосидир. Талабаларни ўрганиш ва улар тўғрисида билиш тўпламининг асосий воситаси психологик, педагогик тавсифномадир. Тавсифнома қисқа, батафсил ёзилган, муаммоли бўлиши керак. У тўғри тузилса ва ундан тўғри фойдаланилсагина болалар тўғрисида билим тўплашнинг воситаси яхши бўлиши мумкин.

Талабага сингдирилган ахлоқий сифатларни режалаштириш учун аввало, унда фаолиятнинг объектив қирраларини ифодаловчи мақсадларни шакллантириш зарур.

Талаба учун ҳамиша юқори ахлоқни рағбатлантирувчи ҳолатлар, кечинмалар, мотивлар бўлиши ўқув фаолияти натижаларига масъуллик, жамоа олдидаги ор-номус ва бурч ҳислари, таълим олиш фақат ўзи учун эмас, балки жамоа ва ижтимоий ҳаёт ривожини учун ҳам аҳамиятли эканлигини аниқлаш, шу билан бирга, ўқув ва ижтимоий фаолиятдан манфаатдорликни қарор топтириш ўқув фаолияти мақсадининг иккинчи муҳим қисми бўлиши ҳамиша зарур. Бундай мотивлар талабанинг маънавий таърибасини бойитиши ва ахлоқий сифатларда акс этади. Шу сабабли маънавий меъёрларга мос келувчи ҳуқуқий одатлар, ахлоқ меъёрларини шакллантириш, таълим мақсадининг муҳим қисми бўлиб қолиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув-тарбия жараёнида талабалар орасида маънавий-ахлоқий ва маърифий ишларни изчил амалга ошириш лозим. Чунки талабалар фақат билим эгаллаш ва маълумот олиш билан ўз-ўзидан маънавиятли бўлиб қолмайди. Шахс жуда ўткир ақл соҳиби бўлиши мумкин, бироқ ўрни келганда баъзи ахлоқий меъёрларга риоя қилиш зарурлигини тушунмаслиги, ўзининг ҳиссий кечинмаларини англаб етмаслиги мумкин.

Талабани ижтимоий фаоллик омил сифатида ўз-ўзини бошқаришга ўргатишнинг мужассам тизимини ҳосил қилиш учун билимларни эгаллаш жараёнида изчил ақлий фаолият кўрсатиши, бу ҳаракат унинг иродавий ҳислари ва маънавий қиёфасининг барча томонларини қамраб олиши зарур. Акс ҳолда, талаба ўқув жараёнидан ажралиб қолиши, интизомсизлик, бекфарқликка берилиб кетиши мумкин. Яъни, маънавий-ахлоқий талабалар билан реал-ахлоқ ўртасида узилтиш вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, таълим жараёнида талаба шахси, унинг эътиқодини баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашга қанчалик таъсир қилишга, ўз-ўзини маънавий такомиллаштиришга қай даражада интилиш уйғога олишига боғлиқ.

Талабаларнинг қарашлари ва эътиқодларини шакллантириш узоқ давом этадиган жараён. Шунга кўра маънавий дунёқарашини шакллантириш жараёни аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим. Дарсларда талабани ижтимоий фаоллик омил сифатида ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш самардорлигини ошириш учун ўқув ма-

териаллари унинг ўзлаштиришига қараб амалга оширилиши, турли ўқув машғулоти шаклларида унумли фойдаланиши талаб этилади. Бу йўлдан тадрижий равишда илгари силжиб, муайян динамик ўзгаришга эришиш лозим.

Аммо таъкидлаш жоизки, дунёқарашнинг шаклланиши ва уни билиш, дунёқараш бўйича кўп ўқиганлик ва ўққанлик, ҳатто у ҳақида далиллар келтириш билангина эмас, балки дунёқарашнинг амалий даражаси ўлароқ унинг қундалик барча фаолиятида намоён бўлиши билан белгиланади. Шахснинг ижтимоий фаоллиги, ташкилотчилиги, интизомлиги, топширилган ишга масъуллиги, адолатли ва демократик жамиятни барпо қилишдаги иштироки, жамоа ва жамият манфаатини кўзлаштириш асосий кўрсаткич ва мезон вазифасини ўтайди. Илмий кузатишларга кўра, талаба ўзини қизиқтирадиган билимларни эгаллашда ижодий ёндашувчанлик, қузатувчанлик, зеҳн, тасаввур бойлигини намоён қилади.

Демак, талабанинг билим эгаллаш жараёни ижтимоий фойдали фаолият бўлиб қолиши учун унда масъуллик, бурч, ор-номус, гуруҳ ҳислари старли даражада ривожланган бўлиши керак. Шунингдек, талабаларда ижтимоий фаоллик омил сифатида ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини шакллантириш учун маънавий билимларга мос келувчи ахлоқий кўникма ва малакалар шаклланиши бўлиши лозим.

Шаҳноза ШЕРБОБОВА,  
ТАТУ Қарши филиали ўқитувчиси

### Хулосат

Соялардан асло кўркманг. Булар яқин жойда бир нур борлигидан далолатдир

Руз РЕНКЕЛ

**Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган республика касб-хунар коллежи ахборот-ресурс маркази вилоятдаги ибратли зиё масканларидан бири.**

Айни кунда коллеж 510 нафар ўқувчига мўлжалланган замонавий ўқув биносига, 400 ўринли шинам ётоқхонага, 200 ўринли ошхона, спорт зали, клуб, ахборот-ресурс маркази ва бошқа хўжалик хоналарига эга. Дарс машғулоти зарур замонавий ўқув дастурлари билан жиҳозланган хоналарда олиб борилмоқда.

Тикувчилик, бухгалтерия, ахборот-кутубхона тизими мутахассислиги, телерадио аппаратуралар устачилиги, компютер техникаси ва дастурий хизмат, пойабзал устаси каби мутахассисликлар бўйича ўқув-ишлаб чиқариш амалиёти йўлга қўйилган. 1, 2-гуруҳ ногиронларига, ногиронлик аравачасида юрадиган талабаларга барча шарт-шароит яратилган.

Кўзи ожиз, заиф кўрувчи ногиронлар учун учта гапирувчи компютер жамламаси ўрнатилган алоҳида ўқув хонаси мавжуд. 24 нафар малакали ўқитувчи, 21 нафар ишлаб чиқариш устаси, 6 нафар тарбиячи талабаларга меҳрини бериб, машғулоти қизиқарли, мазмунли, ижодий ўтказишга интиляптилар. Бу ерда 25та тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Тўғарақларга 367 нафар талаба жалб этилган. Шоира Қосимова раҳбарлик қилаётган ахборот-ресурс маркази коллеж жамоасига

## Меҳр

намунали хизмат кўрсатишга интилмоқда.

Марказга ўсиб келаётган баркамол авлоднинг интеллектуал эҳтиёжини қондириш, маданий, маънавий, ахлоқий қадриятларни асраш, уларни ахборот билан таъминлаш мақсадида 45та компютер техникаси келтирилган. 2010 йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 25 минг 987 сўмлик янги китоблар сотиб олинди.

Коллеж ўқувчилари эндиликда АРМнинг кенг ва ёруғ ўқув залида янги ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўзларига зарур ва керакли бўлган ахборотларни излаш, фойдаланиш, маърузалар, рефератларни мустақил равишда тайёрлаш имкониятига эгадир. Нодира Комилова, Латиф Турғунов, Дамир Аслонов, Миролим Марраҳимов каби ўнлаб талабалар марказнинг энг фаол китобхоналари ҳисобланади. Улар бу ерда ўтказилган тадбирларда ташаббускор бўлишмоқда.

АРМда маънавий-маърифий тадбирларни узлуксиз ўтказиб туриш йўлга қўйилган. Байрам кечалари, ижодий учрашувлар, турли мавзулардаги суҳбатларда бутун жамоа фаол иштирок этади. “Касбим — менинг фахрим”, “Менинг биринчи маҳсулотим” деб номланган кўргазмали суҳбатлар мазмунли, қизиқарли, таъсирли ўтмоқда. Шунингдек, бу ерда турли мавзуларда, чунончи “2010 — Баркамол авлод йили”, “Президентимиз китоблари”, “Огоҳлик — давр талаби”, “Қонун — ҳаётимиз мезони” номли китоб кўргазмалари ва бурчаклари ташкил этилган. Марказнинг ўқув залида марказий, вилоят, маҳаллий газеталарнинг 26 номдаги нусхаси тахламлари мавжуд.

Ўтган 2009 йилда тикувчилик йўналиши 2-босқич талабаси Матлуба Охунова республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловда ўзининг маҳсулоти билан қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Унга республика “Меҳр-мурувват” хайрия жамғармаси томонидан диплом ва компютер топширилди.

Билимлар тарғиботини янада яхшилаш мақсадида яқин кунларда вилоят ахборот-кутубхона марказига ўқувчилар эҳсулурсияси режалаштирилган. Бундан мақсад ўқувчиларнинг китобга бўлган қизиқишларини янада оширишдир.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ



AKM HAYOTIDAN

ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Самарқанд вилоят ахборот кутубхона марказида йил бошидан бугунги кунга қадар келаганимиз бўлган ёшлар ва китобхонларга қаратилган қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.


Ўтган вақт давомида АКМ нашриётидан “Ўзбекистон Конституцияси”, “Шарқ тароналари халқларни бирлаштиради”, “9 май — Хотира ва қадрлаш куни”, “М.Юсуф”, “Абдулла Қодирий”, “Х.Олимжон”, “АКМ илмий услубият бўлими фаолияти”, “А.С.Пушкин ва А.Навоий”, “Ёшлар маънавиятини бузувчи хатарлар” мавзуларида мултимедиялар тайёрланиб, вилоятдаги 150га яқин АРМларга тарқатилди. “Миллий маънавий қадриятлар ўзликни англаш омили”, “Қадли ва қадри баланд Ватан”, “Оила маънавияти”, “Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар”, “Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”, “Тинчликка меҳробдир хур Ўзбекистон”, “Эзулик ва маънавият”, “Баҳмалим боғим менинг”, “Қирқ ҳадис ва бир ривоят” номли янги адабиётлар электрон каталогларга жойлаштирилди.

Йил бошидан АКМ сайтида илмий услубият бўлими томонидан “АКМдан АРМларга ёрдам” номли саҳифа очилиб, унда янги услубий қўлланмалар, мултимедиялар, малака оширишга доир савол-жавоблар, АКМ, АРМ ва бошқа кутубхоналарга доир аниқликлар жойлаштирилиб борилмоқда.

Айниқса, “Қамолот” ЁИХ вилоят бўлими, “Сабр” ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази, Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, Самарқанд гарнизонига қарашли ҳарбий кутубхоналар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Маҳбуба КУЛОВА,  
Самарқанд вилоят  
АКМ илмий-услубият  
бўлими мудири

Хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг асосий омилларидан бири маҳаллий телекоммуникация тармоқларида кабел линияларининг ДХБО (доимий ҳаво босими остида) ушлаб турилиши зарурлигидир. Бу эса кабел қобикларининг герметиклигини назорат қилиш имконини беради, қобик шикастланганда кабел ўзагини намлик ўтишидан сақлайди, шунингдек, қобикнинг шикастланган жойини аниқлаш имконини беради.



# Кабелларни ҳаво босими остида ушлаш

Кабелларни қуруқ ҳаво босими остида ушлаб туриш мақсадида кабелларга қуруқ ҳавонинг узлуксиз берилишини таъминловчи НСК (назорат сигнал қурилмаси) ускунасидан фойдаланилади.

1000 ва ундан кўп рақам сифмига эга АТСларда ДХБОга магистрал кабеллар, шу жумладан, узунлигидан қатъи назар тўғридан-тўғри таъминланган кабеллар, станциялараро алоқа ҳамда 100х2 ва ундан кўп сифмига эга металл ва полиэтилен қобикли тўғри симлар кабеллари ўрнатилиши керак.

Тақсимлаш тармоғининг кабеллари ДХБОга олинмайди.

МКС туридаги кабеллар уларнинг сифмидан қатъи назар ДХБОга олинмайди.

Кабелларга узатилган ортиқча ҳаво босимининг катталиги қобик материалдан қатъи назар 0,005 МПа (0,5 kgf/cm<sup>2</sup>) бўлиши керак.

Металл қобикли кабеллар, агар кабелнинг 2 километр узунлигида улардаги ортиқча босим катталиги 48 соат давомида, катта узунликда 240 соат давомида тушмаса, кабеллар герметик ҳисобланади.

Полиэтилен қобикли кабеллар, агар кабелнинг 2 км. узунлигида улардаги ортиқча босим катталиги 48 соат давомида, катта узунликда эса 240 соат давомида 0,005 МПа (0,5 kgf/cm<sup>2</sup>)дан ошмаса, кабеллар герметик ҳисобланади.

Эксплуатация жараёнида кабелларнинг герметиклигини назорат қилиш НСК ратометрларнинг кўрсатмалари бўйича амалга оширилади.

Агар ҳавонинг сизиб чиқиши 0,04 l/minдан (ратометрларнинг эбонит гуп-

сари шкаладаги 20 бўлинишдан юқори бўлмади) ошмаса, кабел герметик ҳисобланади.

Ундан 0,2 l/min гача ҳаво сизиб чиққанда, кабел герметик ҳисобланмайди ва жорий таъмирлашни талаб этади (ратометрларнинг эбонит гупсари шкаладаги 20 бўлинишдан юқори бўлганда).

0,2 l/minдан кўп ҳаво сизиб чиқадиган кабел линияси авария ҳолатида ҳисобланади.

Узатиш тизимлари контейнерлари эксплуатация жараёнида доимий ҳаво босими остида бўлиши керак. ДХБОга қўйилмаган ёки герметиклиги синовдан ўтмаган кабелларнинг эксплуатация қилинишига йўл қўйилмайди.

Ҳавони қуришти, кабелларга намликнинг тушиши ва уларнинг герметиклигини сақлаш мақсадида ҳавони ортиқча босим остида узлуксиз автоматик бериш учун НСК қўлланилади.

Ҳавони қуриштиш учун КСМГ ва КСМК ёки МСМК русумларидаги силикон гел қўлланилади.

Линияда ишлаганда ҳавони қуриштиш ва уни кабелларга дам бериш учун ҳайдовчи қуритувчи дала қурилмаси (ХҚДК) қўлланилади. Қурилмадан намлик сингиб ўтган кабелларни қуриштиш, шунингдек, контейнерлардан намликни тортиб олиш учун фойдаланиш мумкин.

Кабелларда ҳавонинг ортиқча босимини аниқ ўлчаш учун кабел қобигининг герметиклигини баҳолаш ва ногерметиклигини аниқлашда 0,1МПа(1 kgf/cm<sup>2</sup>) ўлчашнинг юқори чегарасига эга I аниқлик синфидаги 1218 модели МТИ типидagi манометрлар қўлланилади.

Шунингдек, бўлиниш баҳоси 0,002МПа (0,02kgf/cm<sup>2</sup>)дан ортиқ бўлмаган бошқа типдаги манометрларни қўллашга йўл қўйилади.

Кабел қобигининг ногерметик жойини аниқлаш учун батареяли га-лоидли оқиш жойи излагичи (БГОИ) қўлланади.

Кабеллардан ҳаво сизиб чиқишнинг олдини олиш учун уларнинг учлари бўйича газ ўтказмайдиган муфта-лар ўрнатилади.

Кабел қобигининг ногерметик жойини аниқлаш учун I дан 51 сифмигача баллонларда сақланган ва ташиладиган фреон-22 ёки хладон-12 индикатор гази қўлланилади.

Юқорида кўрсатилгандан ташқари, хладон-12 учун 1,2 МПа (12 kgf/cm<sup>2</sup>) ва фреон-22 учун 2 МПа (20 kgf/cm<sup>2</sup>) дан кам бўлмаган босимга мўлжалланган бошқа баллонлар қўлланилиши мумкин.

Кабелларда ҳавони узатиш ва улардаги босимни ўлчаш учун вентилятор, ўтувчи штуцерлар ва потрубклар ўрнатилади.

Ҳозирда линия-кабел иншоотларини эксплуатация қилиш ходимлари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилаётган бир даврда масъулиятни ҳис этиш билан бир қаторда, керак бўлса, ҳар қадамда малакаларини тезкорлик билан ошириб боришлари зарурдир. Демак, фаолиятимизни янада жадаллаштириш кераклигини масъулият билан ўйлаб кўриш вақти келди.

Абдувоҳид ТОШМАТОВ,  
“Андижон Телеком” филиали  
ЭАБ бошлиғи ўринбосари

## У кунларни биз кўрдик

Жаҳоншо бобо ҳовли эшигини очганда Шўрчи телекоммуникациялар боғламаси ходимлари остонада турганини кўрди.

— Ассалому алайкум устоз, таваллуд кунингиз муборак бўлсин, — дейишди улар жўр бўлишиб.

— Эй, эсим курсин, бугун ахир таваллуд куним-ку, — деди келтирилган даста гулни қўлига олар экан Жаҳоншо Авазов. — Қани, ичкарига киришлар болаларим, тугилган кунини бирга-бирга нишонлаймиз.

Бойтўраев кўчасидаги еттинчи уй ҳовлиси мўъжазгина бўлса ҳам меҳмонларга кенг туюлди. Мевали дархлар соя ташлаб турган жой бўлажак талбир учун танланди.

Боғлама бош муҳандиси Мамаражаб Исмоилов бу хонадонга энг яқин қишига айланиб қолган. Шу боис ташкилий ишларга дарҳол уннаб кетди. Тез орада ҳаммаси бинойида бўлди. Уша кун Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, жамоанинг собиқ раҳбари Жаҳоншо Авазов яйраб ўтирди. Иззат-хурматини ўрнига қўйиб излаб келганларга ўтган кунларидан сўйлади.

— У кунларни биз кўрдик. Энди ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Оч-наҳор қолган дамларимиз кўп бўлди. Сабр-

ли ва чидамли юришга кўникдик. Пешонага ёзилган экан, ўзимиз қурашиб эришган тинчлик нашидасини туюб яшаш насиб этди. Сизлар билан умримнинг саксон тўртинчи баҳорини байрам қилиб ўтирибман.

Шу чоғ боғлама ёшларидан бири: “Жаҳоншо бобо нега Марзия момомиз кўринмаяпти?” деб қолди.

— Даволангани Тошкентта кетган эди. Кеча пойтахтда яшаётган Зулфия қизим телефон қилиб, онамнинг соғлиги яхши, деди.

Марзия Ҳабибулина ҳам Жаҳоншо бободек алоқа соҳаси фахрийси. Қарийб ярим аср элга хизмат қилди. У қизи Ноиланинг узунинг касбига меҳр қўйишини ва ўзи туғилиб ўсган Боку шаҳрида яшаб меҳнат қилишини хаёлини ҳам келтирмаган эди. Ҳамкасб қизиникига борган пайтлари болалиги ўтган кўчаларни кўриб қайтади.

Еттинчи уй ҳовлисидегилар майнинг ўн учинчи кунини ҳам Авазовлар оиласи учун унутилмас саналардан бири эканлигини билиб олишди. Бундан ярим аср муқаддам 13 майда собиқ алоқачилар Жаҳоншо Авазов ва Марзия Ҳабибулиналарнинг никоҳ тўйи Узун шаҳрида бўлиб ўтган эди.

— Уша пайт мен ўттиз тўрт, Марзия эса йигирма икки ёшда эди. Боқудан қариндошлариникига келган экан, тасодифан танишиб қолдик, кинодан қайганимизда кўнглимдаги ниятимни айтдим. У рози бўлди. Қаранг-а, танишганимизга эллик йил тўлибди.

Иккимиз тўрт қизга ота-она бўлдик. Улар олий маълумот олишган. Ноила касбимга меҳр қўйиб мақсадига етди. Алфия кибернетика муҳандиси, Румия ва Зулфия шифокор.

Жаҳоншо Авазовга 1995 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галабанинг 60 йиллигида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан “Жасорат” медали берилди. Бундай қадрланишда нафақат уруш йилларидаги, балки тинчлик-қурилиш давридаги катта хизматлари ҳам инобатга олинди. Дарҳақиқат, у Шўрчи алоқа бўлимининг 21 йил бошқарди. Бу даврда кўп қаватли туман алоқа уйи ишга туширилди, шогирдлари сафи кенгайди.

...Собиқ алоқа ходими, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси Жаҳоншо ота Авазов қаҳрамонларча ҳалок бўлган қуролдош дўстларини тез-тез эслаб туради. У кунларни биз кўрдик, авлодларимиз кўрмасин, деб дуо қилади.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
“Хабар”нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири



## Дилерга «Chevrolet Captiva»

UCell компаниясининг 6 миллионинчи абонентини рўйхатга олган дилерга «Chevrolet Captiva» автомашинаси совға килинди.



Умидбек Худойбергенов UCellнинг Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги дилери бўлиб, 2009 йилда яхши натижалар кўрсатди ва компаниянинг 6 миллионинчи абонентини рўйхатга олди. Айнан шунинг учун UCell бош директори Огуз Мемигюев томонидан «Chevrolet Captiva» автомашинаси билан тақдирланди.

— Мен учун бу жуда қувончли ва ҳаяжонли дақиқа. Ушбу қимматбаҳо совринни ютиб оламан деб ҳеч ўйламагандим, — деди Умидбек Худойбергенов.

— Ушбу автомашинани топшириш билан биз дилерлар компаниямиз учун нақадар муҳим эканлигини билдирмоқдамиз, — деди жаноб Мемигюев. — Биз дилерларимизни рағбатлантириш дастурини ривожлантириб

борамиз. Мен барча дилерларга компаниямизга содиқликларини ва яхши ишлари учун ташаккурлар айтмоқчиман.

Маълумки, дилерларни рағбатлантириш дастури асосида компания ҳар миллионинчи абонентни улаган дилерга автомашина совға қилади. Масалан, компаниянинг 5 миллионинчи абонентини рўйхатга олган Жасур Абдурахмонов UCell томонидан «Daewoo Lacetti» автомашинаси билан тақдирланган эди.

Дилерларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш UCell учун катта аҳамиятга эга. Моливий бонус ва мукофотлардан ташқари, бошқа тадбирлар ҳам ташкил қилинади. Масалан, 2009 йил сентябр ойида 52 нафар дилер Туркиянинг Анталия курортга олиб борилди. Барча харажатлар компания ҳисобидан бўлди.

Бугунги кунда мамлакат бўйлаб икки мингдан ортиқ дилерлар UCell билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

## «МТС-Ўзбекистон»да 8 миллион абонент

Жорий йил давомида «МТС-Ўзбекистон» компанияси абонентлар базасини қўпайтириш суръатларини ошириб борди. 2009 йил декабр ойи ўрталаридан 2010 йилнинг сентябригача компания абонентлари сони 14 фоиздан кўпроққа қўпайди ва 8 000 000 кишига етди, бу эса республика аҳолисининг 28 фоиздан ортиғи ушбу компания абонентлари ҳисобланишини англатади.

«МТС-Ўзбекистон» компанияси ривожланиш стратегиясининг асосий устунликларидан бири — абонентларнинг замонавий дунё стандартларига жавоб берадиган сифатли ва қулай алоқага бўлган эҳтиёжларини имкон қадар қондиришдир. Янги тарифлар бўйича таклифлар, абонентларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, инновацион технологиялар ва сервисларни татбиқ этиш, МДХда биринчи бўлиб LTE тармоғининг ишга туширилиши — буларнинг барчаси бугун Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 8 миллиондан ортиғи МТС мобил алоқасини танлаши учун пойдевор бўлди, — деб таъкидлади вице-президент, «МТС Зарубежние компании» Бизнес-бирлиги президенти Олег Распопов.

Алоқа сифатини яхшилаш ва тармоқ хизмат доирасини кенгайтириш дастурини амалга ошириш доирасида «МТС-Ўзбекистон» компанияси Ўзбекистон аҳолисини сифатли мобил алоқа билан таъминлаш юзасидан бир қатор кенг тадбир-

лар олиб борди ва мамлакатнинг турли минтақаларида янги база станциялари ишга туширди. Олиб борилган ишлар маҳсули — Ўзбекистонда МТС тармоғи хизмат доирасининг кенгайтириши бўлди, яъни ҳозирда мамлакатимиз аҳоли яшайдиган ҳудуднинг 94 фоизи МТС алоқаси билан қопланди. Таъкидлаш зарурки, 2008 йилда ишга туширилган 3G тармоғи республиканинг 5та йирик шаҳрида ишлайди ва компания кейинги йилда 3G тармоғини барча вилоят марказларида ишга туширишни режалаштирган.

Компанияда энг янги технологияларни ишга туширишга ҳам алоҳида эътибор берилди. «МТС-Ўзбекистон» компанияси МДХ ва Марказий Осиёдаги инновацион тўртинчи авлод тармоғини (LTE) Ўзбекистонда ишга туширган биринчи мобил оператор бўлди. Бугунги кунда 4G тармоғи Тошкент шаҳрининг марказида ишламоқда, келажакда компания 4G тармоғи хизмат доирасини Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарларида ҳам ишга туширишни режалаштирмоқда.

## «БИЛАЙН»: ЎЗБЕКИСТОНДА 4 ЙИЛ

«Билайн» ягона алоқа оператори («Юнител» МЧЖ ва «Бузтон» КК) Ўзбекистонда бренд ишга туширилганининг 4 йиллигини нишонлади.

Бугунги кунда «Билайн» мамлакат телекоммуникация тизимининг етакчиларидан бири ҳисобланади. «Вымпелком» компаниялар гуруҳи томонидан «Юнител» МЧЖ сотиб олинган вақтдан бошлаб, абонентлар базаси 10 баробардан ўсиб, 2010 йил II чораги якунларига қўра, қарийб 4 000 000 абонентни ташкил қилди.

Компания ривожланишини «Юнител» МЧЖ бош директори Андрей Сафронюк шундай шарҳлади: «Ўзбекистонда «Билайн» фаолиятининг тўртинчи йили — биз интеграциялашган телеком оператори сифатида ишлаган биринчи йилимиздир. Бу вақтда мамлакатни интернетлаштириш йўлида қатор жиддий қадамларни қўйиб, кўп лойиҳаларни ишга туширдик — «Klik» тариф режаларининг янгиланган чизигидан тортиб, республиканинг турли шаҳарларида улкан FTTB ҳамда 3G тизимларигача. Бугунги кунда биз нафақат мобил, балки қўзғалмас алоқанинг, шунингдек, интернетга кенг полосали киришининг ҳам қулай нархлари ва анъанавий юқори сифатини кафолатлашимиз мумкин».



«Билайн» WAP, Dial-up, ADSL ва GPRSдан EDGE (2,5G), UMTS (3G) ҳамда HSDPA (3,5G) технологиялари жуда кенг қўламда тақдим этиладиган интернет-хизматлар маҳаллий бозорда етакчи мавқени эгаллайди. Бундан ташқари, оптик толали FTTB (инглизчада Fiber To The Building — «оптика хонадонга») тизимлари қурилиши фаол олиб борилмоқда. Мазкур тизимлар маълумотларни секундида 100 мегабитгача тезликда узатиш имконини беради. Эслатиб ўтамиз, 2009 йилнинг июлида «Билайн» Зарафшонда оптик толали тармоқни ишга тушириб, уч ой аввал Учқудуқда мос тармоқ қурилишини якунлаган эди.

«Beeline Business» «ЛУКОЙЛ», «General Motors Powertrain-Uzbekistan», «UzCarlsberg» ва бошқа катта корхоналарнинг ягона хизматлар етказиб берувчиси сифатида танланган. Корпоратив мижозларга тақдим этиладиган қатор конвергент интеграциялашган хизматлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда «Билайн»нинг ривожланиш стратегиясида корпоратив ижтимоий жавобгарлик муҳим урин эгаллайди. Компания республика бўйлаб миллионлаб абонентларга хизмат кўрсатади. «Билайн»нинг офислари ҳар бир вилоят марказида очилган, шу сабабдан операторнинг стратегиясида маҳаллий ҳамда ҳудудий маъмуриятлар билан ҳамкорликда ҳудудларни ободонлаштиришга ёрдам бериш муҳим рол ўйнайди. Жорий йил биринчи ярим йилида хайрия мақсадларига 370 млн. сўм атрофида маблағ йўнатилди.

OBUNA-2010

### Обуна давом этмоқда

Қадрли муштарийлар!

«Xabar» газетасига иккинчи ярим йиллик учун «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча почта алоқаси бўлимлари ва «Матбуот тарқатувчи» АК шохобчаларида обуна бўлишингиз мумкин.

Газета ҳафтанинг жума куни, 16 саҳифада, тўлиқ теледастурлар билан чоп этилади. Шошилинг, обуна давом этмоқда.




### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали Қўшқўпир почта алоқаси тармоғи жамоаси «Хайробод» алоқа бўлими почта ташувчиси Қодирберган МАТНАЗАРОВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.



## РИШОД СОБИРОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!



Япония пойтахти Токио шаҳрида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги XXVII жаҳон чемпионати ўтказилди.

Халқаро дзюдо федерацияси рейтингда етакчилик қилаётган спортчимиз Ришод Собиров олтинчи килограмм вазн тоифасида дунёнинг энг кучли дзюдо-чиси эканини яна бир бор исботлади. Истеъодли полвонимиз жаҳон чемпионати беллашувларида болгариялик Янислав Герчев, Жанубий Корея вакили Жанг Жин Мин, яманлик Али Хусрав, жаҳон чемпионати совриндори италиялик Элио Верде ва россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Хал қилувчи баҳсда ҳамюртимизга амалдаги жаҳон чемпиони Георгий Зантария (Украина) рўбарў келди. Кескин ва мурасиз курашларга бой баҳсда рақибини мағлубиятга учратган Ришод Собиров жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.


Таъкидлаш лозимки, Ришод дзюдо бўйича жаҳон чемпионлигига эришган биринчи ўзбекистонлик спортчи сифатида тарихда қоладиган бўлди.

## КУРАШЧИЛАРИМИЗ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРИ

Эркин курашчиларимиз – Артур Таймазов ва Заурбек Сохиев Москва шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритди.

Чемпионатнинг энг қизгин беллашувлари оғир вазнли полвонлар ўртасида кузатилди. Вазни 120 килограммгача бўлган эркин курашчилар мусобақасида юртимиз шарафини икки карра жаҳон чемпиони, Афина ва Пекин Олимпиадалари ғолиби Артур Таймазов ҳимоя қилди. Тажрибали спортчимиз беллашувлар давомида озарбайжонлик Али Исаев, жаҳон чемпионати совриндорлари – украинлик Вадим Тасоев ҳамда грециялик Иоаннис Арзуманидисни катта устунлик билан енгиб, финалга йўлланма олди.

Хал қилувчи финал учрашувида Артур Таймазов икки карра жаҳон чемпиони Билол Маховга (Россия)



кичик ҳисобда имкониятни бой берди ва кумуш медал билан кифояланди.

Эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида 2006 йилдан буён совриндорлар қаторидан жой олиб келаётган Заурбек Сохиев бу гал ҳам ишончли оқлади.

2009 йили Данияда ўтказилган жаҳон чемпионатида 84 килограмм вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлган Заурбек бу йилги мусобақада мўғулистонлик Тугжидорж Дорвачинг, кубалик Перес Салас, арманистонлик Вадим Лалиев ва украинлик Иброҳим Алдатовни мағлубиятга учратди.

3. Сохиев Болгария вакили Михаил Ганевга қарши ўтказилган финал учрашувида сўнгги дақиқаларда очко бой берди ва жаҳон чемпионатининг кумуш медални билан кифояланди.

## Шахматчимиз

### пешқадамлар сафида

Непалнинг Катманду шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган гротмейстеримиз Марат Жумаев учинчи ўринни эгаллади.

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан эллик нафарга яқин шахматчи иштирок этган мусобақада ҳамюртимиз тўққизинчи тургача непаллик А.Ражбахак, руминиялик И.Лука, бангладешлик М.Жавод, франциялик Н.Мансуралде, ҳиндистонлик М.Венкатешни енгиб, словениялик Г.Моҳр билан дуранг ўйнади. Хал қилувчи турда яна бир шахматчимиз С.Йўлдошевга қарши дона сурди. Қизиқарли кечган баҳсда М.Жумаевнинг қўли баланд келди.

Саилали Йўлдошев турнирда беш ярим очко билан кучли ўнликдан жой олди.

### “Севинч” ИККИНЧИ

Қарши шаҳрида аёллар ўртасида мини-футбол бўйича “Karshi CUP-2010” халқаро турнири бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда иккинчи мартаба ўтказилган мазкур мусобақада “Лагуна” (Россия), “Севинч” (Ўзбекистон), “Абу-Даби” (БАА), “Ника” (Украина), “Шердор” (Ўзбекистон), “Бардрал” (Япония) жамоалари ўзаро куч синашди.

Беш кун давом этган халқаро турнирда жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашди. Ярим финал баҳсларида “Лагуна” жамоаси “Ника”ни, “Севинч” футболчи қизлари “Бардрал” жамоасини мағлубиятга учратди.

Финал баҳсида “Лагуна” қизлари ғолиб чиқди, “Севинч” ва “Бардрал” жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

## Фокин халқаро турнирда қатнашади

Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Олимпиада совриндори Антон Фокин Минскда ўтаётган халқаро турнирда иштирок этмоқда.

Турнирда дунёнинг энг кучли гимнастикачилари ғолиблик учун курашмоқда. Фокиннинг мазкур иштироки унга 10-25 октябр кунлари Роттердам (Голландия)да ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтайди.

## Кичкина Кличко Сэмюэл Питерни нокаутга учратди



11 сентябр куни Франкфуртдаги Commerzbank-Arenaда супероғир вазнда IBF/WBO/IBO йўналишлари чемпиони Владимир Кличко (55-3-0, 49 КО) нигериялик Сэмюэл Питерга (34-4-0, 27 КО) қарши рингга кўтарилди. Чемпионлик жангида Кличко биринчи раунддан оқ устунликни қўлга олди. Учинчи раундга келиб кетма-кет зарбаларга дош бермаган нигериялик боксчи рингга қулади.

Шу тариқа, кичкина Кличко чемпионлик камарларини ўзида сақлаб қолди.



## Ўсмирларимиз галабаси

Пойтахтимизда ўтадиган Осиё чемпионатида қизгин тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси учта ўртоқлик ўйинини ўтказди.

Дастлаб, 10 сентябр куни “Жар” стадионида Уммон ўсмирлар терма жамоаси билан ўйнаган Алексей Евстафеев шоғирдлари дастлабки дақиқалардан ташаббусни ўз қўлларига олиб рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятларни содир эта бошлашди. Аммо танаффусга қадар ҳисобни очиш ҳеч бир жамоага nasib этмади.

Танаффусда Евстафеев ўз шоғирдларига керакли кўрсатмаларни бера олганини футболчилар иккинчи бўлимда исботлай олишди ва кетма-кет ҳужумлар уюштириб, голлар киритишди. Учрашувнинг 57-дақиқасида Муҳаммад Абдуллаев ҳисобни очишга муваффақ бўлди. 70 ва 73-дақиқаларда терма жамоа сардори Аббос Махситалиев ўзини кўрсатди ва ҳисобни йирик кўриштиришга келтириб қўйди.

Ўзбекистон – Уммон 3:0

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Тошкент мусобақасидаги ўзининг иккинчи учрашувини Япония ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказди.

Учрашув кетма-кет вакиллари-мизнинг ҳужумлари билан бошланди. Учрашувнинг 2-дақиқасидаёқ тўпни рақиб жарима майдонида икки рақиб курашида қабул қилиб олган Аббос Махситалиев ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Голдан сўнг майдонда тенг кураш бошланди. 32-дақиқада жарима майдони ташқарисида тўпни қабул қилиб олган Муҳаммад Абдуллаев ажойиб зарбаси билан тўпни узоқ юқори бурчакка жойлаб қўйди. 2:0. Биринчи бўлим якунланишига бир неча дақиқа қолганда рақибларимиз ҳужумчиси Минамино Такуми жуذا чиройли амалга оширилган қарши ҳужум натижасида ҳисобни қисқартиришга эришди. Биринчи бўлим 2:1 ҳисоби билан ўз якунига етди.

Иккинчи бўлимда томонлар яна биттадан гол киритишга муваффақ бўлишди.

Ўзбекистон – Япония – 3:2

14 сентябр куни “Пахтакор” марказий ўйингоҳида Ўзбекистон ва Япония ўсмирлар терма жамоалари ўртасида навбатдаги, иккинчи ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Бу баҳсда томонлар мураса кўчасини танлашди. 11-дақиқада Такуми Минамино томонидан киритилган тўпга 83-дақиқада Аббос Махситалиев жавоб қайтарди.

Ўзбекистон – Япония – 1:1

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Фаргона Телеком” филиали жамоаси Олтириқ телекоммуникациялар боғламаси ходими

Гўлсарахон СИРОЖИДДИНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.



